O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 20 январь, чоршанба • № 6 (11.089) • Эркин нархда сотилади

*Муносабат*

## ХОТИРЛАМОҚ — ФАРЗ, ҚАДРЛАШ — ҲИКМАТДИР

***ҲАР БИР ИНСОН, ҳар бир Ватан, ҳар бир миллат борки, у ўтмиш билан, ҳозир билан, келажак билан барҳаётдир. Ўзбек халқининг буюк фарзандлари, мамлакатимиз донгини оламга таратган аждодларимиз, она-Ватан озодлиги учун жонини фидо қилган ўғлонларимиз номлари, уларнинг жасоратлари алоҳида ҳурмат-эҳтиромга муносибдир. Шубҳасиз, уларнинг табаррук номлари, амалга оширган аъмоллари, киндик қонлари тўкилган заминга бахшида умрлари ҳам эъзозланмоғи шарт.***

Ўтган жума куни республикамиз Президенти Ислом Каримов пойтахтимизда олиб борилаётган қурилиш ишлари, хусусан, Хотира майдонини кўздан кечирар экан, яна бир пурҳикмат саъй-ҳаракатни бошлаб бердилар. Баайни шу аснода Юртбошимиз 9 май кунини — Хотира ва қадрлаш кунига айлантириш таклифини ўртага ташладилар.

Бу ғоя янги эмас эди. Давлатимиз бошлиғи аввалари ҳам неча бор аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш борасида кўп марта гапирган эдилар. Ўша покиза ният пишиб етилган чоғи, Президентимизнинг эзгу ниятлари қуёш каби ёрқин қиёфа кашф этди. «Биз нафақат ўтганларни хотирлашимиз, балки, бугун ҳаёт бўлганларни қадрлашимиз, ҳурматини жойига қўйишимиз зарур, — дедилар, жумладан, Президент. — «Қадрлаш» деганда фақат уруш қатнашчиларигагина эмас, қарияларимизга, ота-оналаримизга, барча яқинларимизга эҳтиромни тушунайлик. Шу маънода бу кун ўзига хос аҳамият касб этади».

Юртбошимизнинг бу сўзлари ойнаи жаҳон орқали бутун мамлакатга таралар экан, тинглаганларнинг юрагини ҳаприқтириб юборди. Чунки, бу ғоя ўзига хос чуқур маъно ва мазмунга эга бўлиб, одамлар қалбида ниш ураётган буюк дарахтнинг дебочаси эди. Шу боис Президентимизнинг бу сўзлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Турли вилоятлар, турли шаҳар ва туманларда ўз хонадонларида муқаддас Рамазон ҳайитига тайёргарлик кўраётган миллион-миллион кишилар «Офарин!» деб юбордилар.

Илгарилари ҳам урушда шаҳид қетганларни эслар эдик, хайкаллар пойига гулчамбарлар қўяр эдик. Ваҳоланки, машъум уруш гирдобида маҳв бўлганларнинг хонадонларида ҳанузгача кезиб юрган ғам-андуҳларнинг ўрнини ҳеч нарса қоплай олмас эди. Норасидалигида етим қолган мурғакларнинг, ўн гулидан бир гули очилмаган келинчакларнинг, ярим асрдан зиёд давр ичида ўғлонлари йўлига кўз тутаётган онаизорларнинг, умидбахш сўқмоқларга қадам қўйишга улгурмаган қизларимизнинг, алпкелбат паҳлавонларининг дийдорларини қайта кўриш насиб этмаган отахонларимизнинг кўз ёшларини бирон-бир зеб-зийнат билан ўлчаб бўлармиди?! Аммо, ҳанузгача эслаш, ёдга олиш, хотирлаш деган тушунчалар яхлит бир маъно касб этмаган эди. Буни Юртбошимиз Ислом Каримов тўлиқ ва том маънода мустажаб қилдилар, десак муболаға бўлмас.

— Мен отамни элас-элас эслайман, — дейди Бўстонлиқ тумани Хондайлиқ қишлоғида истиқомат қилувчи фахрий Садр ака Тешабоев. — Таассуфлар бўлсинки, отамиз урушдан қайтмадилар. Тўрт қиз, бир ўғилни онамиз Маърифат ая катта қилдилар. Она меҳридан баҳраманд бўлдик. Аммо, ота дийдорига тўймаслик армони қалбларимизда бир умрга муҳрланиб қолаётган эди. Биз каби армонбардорларнинг орзусини рўёбга чиқарганлиги учун Президентимизга минг бора тасаннолар айтамиз.

— Президентимизнинг таклифини бажонудил қўллаб-қувватлайман, — дейди зангиоталик меҳнат фахрийси Ғофир Сулаймонов. — Бу янги ташаббус яна бир бор мамлакатимизда инсоннинг азизлигини, ўз меҳнатига яраша қадр-қиймат, ҳурмат-эътибор топишини, айни пайтда, ўтганларнинг хотираси муқаддас сақланажаклигини кўрсатиб турипти. Маҳалламизда Ҳайит намози ўқилаётганда Юртбошимиз номларини хутбага қўшиб, у кишининг ҳақларига ташаккурлар айтиб, дуолар қилдик. Зотан, машойиҳлар хотирламоқ — фарз, қадрлаш — ҳикматдир, деганлар. Шу боис Президентимизнинг ташаббуслари бу дунёда ҳам, уҳровий дунёда ҳам эътирофга молик бўлғусидир.

— Мен 9 май кунини — Хотира ва қадрлаш кунига айлантириш таклифини халқимизнинг муҳокамасига ташламоқчиман... Давлатимиз бошлиғининг бу сўзларини эшитган замоноқ бу ташаббуснинг эртагаёқ бутун халқ томонидан қўллаб-қувватланажаклигига иймон келтирдим, — дейди Янгийўл туманидаги 42-мактаб ўқитувчиси Шарофат Абдураҳмонова. — Менинг назаримда юқоридаги калималарнинг ўзиёқ одамлар юрагини ларзага солиб юборди. Чунки, ўтганларга, ота-оналарга, яқинларга бўлган эҳтиром пировардида Ватанга бўлган муҳаббатга бориб тақалади. Мен тарбиячиман. Бугунги ёшлар — бизларнинг ўғил-қизларимиз аждодларимизга, ўрта авлодга, атрофимиздаги биродарларимизга билдираётган муносабатларимизга қараб андоза оладилар. Биз ўтганлар руҳини жойига қўйсак, ёнма-ён яшаётган жигаргўшаларимизни эъзозласак, ана шу ҳурмат, ана шу эъзоз эртага ўзимизга қайтади. Инчунин қайтар дунё, деган нақл бежиз айтилмаган.

Юқоридаги фикрларга қўшимча қилиш қийин. Фақат шуни айтиш мумкинки, оламдан ўтган ҳар бир инсоннинг хотираси ҳам тарих, ҳам айни замон, ҳам келажакдир. Боз устига шу юртнинг, шу мамлакатнинг ўтмиши, ҳозири ва истиқболидир. Зеро, тарихни инсон яратади. Шу боис биз билан ҳамнафас бўлиб, умргузаронлик қилаётганлар тўғрисида қайғуриш, уларга елкадош бўлиш кишига ҳузур-ҳаловат бағишлайди. Яна бир ҳақиқат шуки, орадан йиллар ўтиб, балоғатга етган келгуси авлод бизларнинг бугунги ишларимизга ўзларининг баҳоларини берганларида нафақат ислоҳотлар, балки, инсонийлик, меҳр-оқибат, миллий анъаналарни қадрлаш каби савобли ва хайрли ишларимизга ҳам асрлар оша назар ташлайдилар.

Шу сабабдан ҳам Президентимизнинг ажойиб таклифини ҳамма астойдил мамнуният билан маъқулламоқда. Назаримизда, бу ташаббус инсоннинг азизлигини, хотиранинг муқаддаслигини белгиловчи яна бир янги меҳру-мурувват сарчашмаси бўлди. Шу тариқа Ўзбекистон деб аталмиш она-диёримизда яна бир савобли ва хайрли саъй-ҳаракат бошланди.

***Фатҳиддин ФАЗЛИДДИНОВ.***

## ПРЕЗИДЕНТ ОСТОНАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 январь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоевнинг янги муддатга президентлик вазифасини бажаришга киришиши муносабати билан бўладиган маросимда иштирок этиш учун Остона шаҳрига жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида Президент Ислом Каримовни Бош вазир Ў. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

***(ЎзА).***

## ХИРМОН БАРАКАСИ УРУҒДАН

***«Сара уруғ — ҳосил бўлиқ», дейишади асл деҳқонлар. Ва бу ақидага оғишмай амал қилишади.***

АЙНИ КУНЛАРДА вилоятнинг деҳқонлари ҳамма туманларидаги пахта тозалаш заводлари ва қабул пунктларида 1999 йил ҳосили учун уруғлик чигит тайёрлаш ишлари ҳал қилувчи паллага кирди. Жумладан, Оққўрғон туманидаги Олимкент пахта тозалаш заводида бу муҳим ишга масъулият билан киришиб, уруғлик чигитнинг сифатига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу йил заводда С-6524 нав пахтадан 2,5 минг тонна уруғлик тайёрлаш режалаштирилган. Кунига эса 30 тоннага яқин чигит туксизлантирилиб, тумандаги пахта қабул қилиш пунктларига пешма-пеш етказиб берилмоқда. Бу ерда ҳозиргача С-6524 нав пахтадан 1000 тоннага яқин биринчи ва иккинчи репродукцияли уруғлик тайёрлаб қўйилди.

Суратларда: туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Убайдулла Исроилов, Олимкент пахта тозалаш заводи оператори Илҳом Мирзаев билан туксизлантирилган чигитнинг сифатини кўздан кечиришмоқда; пахта қабул пункти оператори Виктор Ҳафизов дорилаб, экиш учун тайёр ҳолга келтирилган чигитни қопларга жойлаб, жўнатиш учун тахт қилиб қўймоқда.

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

***ЎЗБЕКИСТОН «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг пленуми бўлди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, маҳаллаларнинг оқсоқоллари иштирок этди. Пленумни мазкур жамғарма раиси Ш. Жалилов олиб борди.***

Пленумда Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунининг лойиҳаси ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз мустақиллиққа эришган дастлабки кунларданоқ юртимизда азал-азалдан мавжуд бўлган ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилот — маҳалла тизимини шакллантиришга алоҳида аҳамият бераётганини таъкидладилар. Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессиясида лойиҳа сифатида биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси бунинг яна бир яққол далилидир. Унда маҳаллалар фаолияти доираси аниқ белгилаб берилган.

Пленум қатнашчилари янги ҳужжатнинг жамият, хусусан маҳаллалар ҳаётидаги муҳим аҳамиятини алоҳида таъкидлаш билан бирга лойиҳа юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Мазкур қонун лойиҳаси бўйича маҳаллаларда умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш ва ўтказишга оид тадбирлар режаси тасдиқланди.

Пленумда Бош вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова сўзга чиқди.

***(ЎзА).***

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

*янгиликлар, одамлар, воқеалар*

### КАЙФИЯТ ЯХШИМИ, АЗИЗЛАР?!

***ОДАМНИНГ кайфияти чоғ бўлса, иши ҳам унумли бўлади. Шунинг учун Қибрай туманидаги Ризамат Мусамуҳамедов номли жамоа хўжалиги маъмурияти бу масалага алоҳида эътибор бериб келмоқда.***

Ўтган йили деҳқонларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун жами бўлиб 3 миллион 467 минг сўм пул сарфланди. Бир неча кун илгари муборак байрам — Ҳайит муносабати билан дала ва боғ меҳнаткашларига 177 минг сўмлик гўшт, 102 минг сўмлик парҳез гўшт ва тухум текинга тарқатилди.

Бошқа чора-тадбирлар ҳам қишлоқ аҳли кайфиятини кўтаришга қаратилгандир. Жумладан, Аёллар йили муносабати билан ҳар уч ойда ишлаб чиқаришда ва рўзғор тутишда ўзини кўрсатган беш нафар аёлга пул мукофоти бериб бориладиган бўлди.

***Носир РИХСИЕВ.***

### БУЮРТМАЛАР БИРИН-КЕТИН

***ВИЛОЯТИМИЗНИНГ маҳсулотларни экспорт қилиш салоҳиятида Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳамон етакчи мавқени эгаллаб турипти. Шуни айтиш кифояки, ўтган йили экспорт ҳажмининг 44 фоизи рангли металлургия маҳсулотлари улушига тўғри келди.***

Корхона жамоаси ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ўндан ортиқ чет эл мамлакатларига етказиб берилмоқда. Фақатгина кейинги ойларда Болгария, Туркия, Италия, Нидерландия, яқин хорижий давлатлардан Россия бу ерда тайёрланган турли-туман рангли металларни харид қилдилар. Комбинат ишчи-хизматчилари жорий йилнинг бошиданоқ қатор чет эллик мижозларнинг буюртмаларини ҳам бажаришга киришдилар.

***Собир МАҲМУДОВ.***

### СОВҒАГА... БЕШИК ВА ОМОНАТ ДАФТАРЧА

***АНГРЕН шаҳар ҳудудидаги Облиқ қишлоғида 1999 йилнинг биринчи қиз-чақалоғи таваллуд топди.***

ШАҲАР хотин-қизлар қўмитаси Аёллар йилида биринчи бўлиб дунёга келган қиз-чақалоққа ҳамда унинг онаси ва оиласига алоҳида мурувват кўрсатиш ташаббуси билан чиққан эди. Шундай эътиборга сазовор бўлган бахтиёр она — Нодирахон Ашурматова ўз жигарбандига яхши ният билан Соҳибахон деб исм қўйди.

Шаҳар ҳокимининг муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Абдуллаева Н. Ашурматовага Аёллар йилининг дастлабки «янги меҳмони»га аталган махсус совға — бешик ҳамда омонат дафтарчасини топширди.

***Самад ЙЎЛДОШ.***

### ТЎПЛАМГА 30 ЙИЛЛИК ТАЖРИБА КИРАДИ

***РЕСПУБЛИКА Гидрометеорология бош бошқармаси мутахассислари мана ўттиз йилдирки, инсон ҳаёти учун хавфли ҳодисалар — сел ва қор кўчкиси сабабларини ўрганиб келмоқдалар. Бу орада шу муаммолар юзасидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилди.***

Жойларда қатор қор кўчкини станциялари ишламоқда. Улар орасида Чимён станцияси алоҳида ажралиб туради. Чимён тоғ этагида огоҳлантирувчи кўчки туширишни хизмати ҳам йўлга қўйилди. Унинг ходимлари бундай табиий офатларнинг юз беришини олдиндан пайқаб, уларнинг олдини олиш ва хавфсиз бўлишини таъминлаш учун зарур чора-тадбирларни кўрадилар.

Чимён станцияси жамоаси ўттиз йилдан бери сел ва қор кўчки сабабларини ўрганиш билан шуғулланмоқда. Шу давр ва бу соҳада муайян тажриба тўпланди. Мутахассислар бундай ҳодисалар сабабларини тадқиқ этиш билан боғлиқ маълумотлар тўпламини босмага тайёрладилар.

***Акбар АЛИЕВ.***

### АНИҚ ДАСТУР АСОСИДА

ВИЛОЯТ соғлиқни сақлаш тизимида даволаш муассасалари ишини ислоҳ қилиш махсус ишлаб чиқилган дастур асосида олиб борилмоқда. Натижада туманларда қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этишга эътибор кучайтирилди. Ўтган йилнинг ўзида 12 та шундай шифохона фойдаланишга топширилди. Шундай қилиб, вилоятда уларнинг сони 67тага етди. 2100дан кўпроқ ўринли кундузги даволаш муассасалари фойдаланишга топширилди. Мазкур даво муассасалари кўпихтисосли шифокорлар билан мустаҳкамланди.

***Саид АҲМЕДОВ.***

## ЯНГИ ДУНЁ БОЛАЛАРИ

***ШУ кунларда Тошкентда Ўзбекистон Президентининг иқтидорли ёшларни чет элларда ўқишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси бўйича навбатдаги танлов имтиҳонлари қизғин давом этяпти.***

Танлов жараёни билан яқиндан танишиш мақсадида имтиҳонлар бўлиб ўтаётган республика Банк-молия академиясига ташриф буюрганимизда, хаёлга даставвал келган фикр шу бўлдики, «Умид» жамғармаси ташкил этилгани ёшларни маърифатга чорлаш борасидаги энг амалий ишлардан бири бўлди. Биринчидан ёшларнинг илм олишга, тарих ва маданиятни, хорижий тилларни ўрганишга рағбати ошди, иккинчидан илғор давлатларда тахсил олиб келган ёшлар юртнинг эртанги куни учун кафолатдир.

Танловнинг бош қаҳрамонлари — талабалар билан суҳбатлашганимизда ҳам уларнинг барчаси айни фикрни, ёшларни чет элларда ўқитиш учун Президент грантининг ташкил этилгани ўзлари учун катта имконият эканини таъкидлашди.

— Президентимиз ташаббуси билан «Умид» жамғармасининг ташкил этилгани биз учун жуда яхши бўлди, — дейди Тошкент Молия институти кредит-иқтисод факультетининг 2-курс толибаси Дилафрўз Муродова. — Мен Германияда таҳсил олиш учун бугун немис тилидан имтиҳон топширган талабалар танловнинг иккинчи босқичи — мутахассисликлар бўйича имтиҳонга йўлланма олишади. Иккинчи босқич эса 20 январдан бошланади.

Аввалги танловларда бакалаврлик учун кўпроқ ўрин ажратилган бўлса, бу йилги танловда ўринларнинг асосий қисмини магистратура ташкил қилади. Бу йил 300 нафар йигит ва қизга хорижий давлатларда ўқишга йўлланма бериш кўзда тутилган. Жами ўриннинг 80 фоизи ёки 240та ўрин магистратура учун ажратилган.

— Кузатишлар шуни кўрсатяптики, ҳозирги вақтда мамлакатимизга кўпроқ магистрлар керак, — дейди «Умид» жамғармасининг ўқиш бўйича эксперти Малика Ҳолматова бунинг сабабини изоҳлар экан. — Негаки, магистратурани битирганлар мутахассисликлари бўйича ҳар томонлама билимга эга, уларнинг имкониятлари кенгроқ. Ўзбекистон учун эса бундай мутахассислар айни муддао. Шунинг учун хорижий давлатларда магистрлар тайёрлаш биз учун кўпроқ фойдалидир. Қолаверса, магистрларни тайёрлаш бакалаврларга нисбатан қисқа муддат талаб қилади. Масалан, магистратура Англияда бир йил, АҚШда эса икки йил талаб қилади. Шу сабабли биз танловларда магистратура учун кўпроқ ўрин ажратяпмиз.

Бу йилги танловлар учун белгиланган мутахассисликлар худди ўтган йилдаги каби 31тани ташкил қилади. Танлов ғолиблари иқтисодиёт, халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқ, информатика ва компьютерлаштириш, журналистика, табиий фанлар, қишлоқ хўжалиги, экология, сув тизимини бошқариш, санъат, инженерлик каби йўналишларда ўзлари танлаган мутахассислик бўйича АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Франция, Италия каби қатор ривожланган давлатларда таҳсил олиш имкониятига эга бўлади.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов «Тафаккур» журнали учун берган интервьюсида шундай деган эди: «Ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб, беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор». Бунинг учун эса ўқиб-ўрганиш, изланиш керак. Агар таъбир жоиз бўлса, бугун илм олишга, ўз имкониятидан мумкин қадар кенгроқ фойдаланишга интилаётган ёшларни янги дунё болалари дейиш мумкин. Зеро, Ватан учун, миллат учун баландпарвоз гаплар, ҳою ҳаваслар билан эмас, билим ва тафаккур билан, заковат билан хизмат қилиш мумкин.

***Фарҳод АРЗИЕВ, ЎзА шарҳловчиси.***

*Бу ҳақда вилоят Кенгаши сессиясида гапирилган эди*

# АГАР РАҲБАР ЭЪТИБОР БЕРСА...

***МАМЛАКАТИМИЗДА** амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб моҳияти халқимиз фаровонлигини юксалтиришга, ижтимоий турмуш тарзимизни яхшилашга қаратилган. Истиқлол йиллари ичида бу мақсадда анча ишлар рўёбга чиқди. Хусусан, «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили» муносабати билан эътиборга лойиқ ўзгаришлар рўй берди. Бундай ишлар «Аёллар йили»да ҳам изчил давом этади, албатта.*

Айниқса, Президентимизнинг қатор фармонлари ва ҳукуматимизнинг «Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори асосида республикамиздаги каби вилоятимизда ҳам ўзгаришлар рўй берди. Янги турар-жойлар қад кўтарди, гузарлар, хиёбонлар барпо этилди. Аҳолини табиий газ, ичимлик суви билан таъминлаш махсус ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ олиб борилмоқда.

Тўғри, ҳали бу ишларни талаб даражасида деб бўлмайди. Айниқса, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида шаҳар ва туманларда кўп иш қилиниши керак.

Бу ҳақда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз куюниб гапирар экан, йиғилиш иштирокчилари эътиборини бир масалага қаратди. Очиқ айтишим керак, — деди Юртбошимиз, — деярли ҳамма соҳаларда ҳам бир қатор камчиликлар, йўл қўйилаётган хатолар ва ечилмаган муаммолар мавжуд. Уларни бартараф этиш... сиз муҳтарам халқ депутатлари, барча бўғиндаги катта-кичик раҳбарларнинг, фаолларнинг диққат-марказида бўлиши керак».

Чиндан ҳам қишлоқларни газ ва сув билан таъминлашга айнан раҳбарлар, депутатлар жиддий эътибор бераётган жойларда бу иш кўнгилдагидек бормоқда. Ўртачирчиқ туманидаги «Тўйтепагаз» идораси ходимлари, хизматчиларнинг фаолиятлари бунга ёрқин мисол. Мазкур туманда бу йил 25 километрдан зиёд масофага газ тармоқлари тортилди. Умуман, туман бўйича газлаштириш 87 фоизни ташкил этди. Шу йилнинг ўзида 200дан зиёд хонадон зангори оловдан баҳраманд бўлди. Хусусан, Охунбобоев, Навоий номли, «Ўзбекистон», «Истиқбол» ширкат хўжаликлари ҳудудларининг аксарият қисми газлаштириб бўлинди. Тошкент Давлат аграр дорилфунуни ёрдамчи хўжалигида 7,6 километр масофага газ қувурлари ётқизилди. «Ўртасарой» ширкат хўжалиги ҳудудида газлаштириш ишлари жадал бормоқда.

Аҳоли истиқомат жойларини газлаштиришда «Тўйтепагаз» раҳбари Эркин Каримов, мутахассис Абдуғаффор Пардаев, туман якка тартибли уй-жойлар қурилиши бўлими бошлиғи Анорбой Йўлдошев, «Пахтаобод» маҳалласи оқсоқоли Шукур Султоновлар аҳолида фаоллик кўрсатмоқдалар.

— Лекин биз ҳали бу бажарилган ишлардан қаноатланаётганимиз йўқ, — дейди туман ҳокимининг қурилиш, коммунал хизмат бўйича муовини Йўлдош Ўлмасов. — Президентимизнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши сессиясидаги нутқини телевизор орқали кўриб, қатор камчиликларимиз борлигига иқрор бўлдим. Чиндан ҳам Юртбошимиз бу анжуманда таъкидлаганидек, хонадонларга газ, сув олиб кирсак, уй эгаларининг кайфияти кўтарилади, чиройига чирой қўшилади, турмушига файз киради.

Айниқса, аёллар учун катта қулайликлар яратилади.

Ҳоким муовини ҳақ гапни айтди. Биз яқиндагина газлаштирилган «Пахтаобод» қишлоғида бўлганимизда ана шундай кайфиятли кишилар билан суҳбатлашдик.

— Газ жоннинг роҳати экан, — дейди меҳнат фахрийси, ёши саксонни қоралаб қолган Мирҳалил ота Маликов. Ҳар сафар келиним барака топгур, Мавжудахон бўрсилдоқ кулчаларни ёпиб, олдимга қўйганида шундай кунларга етказганига шукур, деб, бу ишга бош-қош бўлганларни дуо қиламан.

Мазкур маҳалладаги уй бекаси Ҳосият Султонова ҳам газ тушиши билан кир ювишдаги, овқат пиширишдаги қийинчиликлардан ҳоли бўлганлигини хурсанд ҳолда гапирди. «Аёллар йили»да бу бизга муносиб совға бўлди», деди у. Йўлдош Ўлмасов билан мазкур маҳаллани айланиб бўлганимиздан кейин у бизга аҳолининг қолган қисмини табиий газ билан таъминлаш бўйича 1999 йил учун ишлаб чиқилган режалар ҳақида ҳам сўзлаб берди. Унга кўра бу тадбирлар бюджетдан ташқари, ҳомийлар топиш, корхона, хўжаликларнинг ободонлаштиришга ажратадиган маблағларини марказлаштириш, маҳаллалар ташаббускорлиғидан фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади. Шу тарзда Аёллар йилида ҳам туманда инсон манфаатига қаратилган ишлар изчил давом этаверади.

***Саидвали ҲАСАНОВ.***

## ҲАММАСИ ОДАМЛАР УЧУН

«РДЭ» — КИМЁВИЙ ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИ жамоаси хизматидан Тошкент туманидаги кўпчилик қишлоқ аҳолиси фойдаланмоқда. Тадбиркор Эрмат Рўзиматов барпо этган бу хусусий корхона бир неча йилдан бери ишлаб турипти. Шу давр мобайнида унинг мижозлари сафи сезиларли кенгайди. Талабни ҳисобга олиб, маиший хизмат кўрсатишнинг янги турлари ҳам ўзлаштирилди. Дастлаб фақат кимёвий тозалаш бўлимидан иборат бўлган корхонада кейинчалик кир ювиш цехи очилди. Ўтган йили эса сартарошхона ишга туширилди. Айни вақтда янги ишчи ўринлари ҳам барпо этилди. Ҳозирги кунга келиб, бу ерда 13 нафар киши ишламоқда. Улар ўтган йили аҳолига 3,5 миллион сўмликдан ортиқ хизмат кўрсатдилар.

Корхона жамоаси аҳоли қатори тумандаги касалхоналар, туғрукхоналарга ҳам хизмат кўрсатишни йўлга қўйди. Бу йилдан бошлаб эса болалар боғчалари билан ҳамкорлик қилиш назарда тутиляпти.

***СУРАТЛАРДА:** кимёвий тозалаш бўлимининг ходимаси Светлана Саминова; корхона биноси кўриниши; кир ювиш бўлимининг илғор ишчиси Ўғилой Кабиева.*

***Умид АҲМЕДОВ** олган суратлар.*

*Бизнес-фонд*

# МОЛИЯЛАШТИРИШ ТУРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

***РЕСПУБЛИКАМИЗ** Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига биноан ташкил этилган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш фонди — «Бизнес-фонд» бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бунёд этилган тузилмалардан бири ҳисобланади. У тез ривожланиб бормоқда, мамлакатни янги шароитларда иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда мустаҳкам мавқени эгаллаб турипти. Бу фонднинг бўлимлари барча шаҳар ва туманларда ҳам барпо этилди. Улар салкам тўрт йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Иқтисодиётнинг нодавлат шўъбасида ишлаб чиқаришни ривожлантиришга доир барча зарурий шароитларни яратиш борасида тадбиркорларга ҳар томонлама — ҳам ташкилий, ҳам услубий, ҳам молиявий жиҳатдан ёрдам бермоқдалар.*

Очиқ турдаги акциядорлик жамияти бўлган вилоят «Бизнес-фонд» бошқармаси ўтган қисқа давр ичида тадбиркорликни ривожлантириш ишига салмоқли ҳисса қўшди. Шуни айтиш кифояки, вилоятимиз ҳудудида жойлашган 120дан ортиқ деҳқон ва фермер хўжаликлари, шунингдек, хусусий ишбилармонлар ва тадбиркорлар лойиҳаларини молиялаштирди. Бунинг учун ажратилган маблағ ҳажми 302 миллион сўмликдан ҳам кўпроқни ташкил этди. Натижада вилоятда деярли бир ярим мингта янги ишчи ўринлари очилди. Ҳар йили 834,4 миллион сўмликдан ортиқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда ҳар хил маиший хизмат турларини вилоят аҳолисига кўрсатиш имкони туғилди.

Ўтган хўжалик йилида ҳам тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, 11та лойиҳа учун 44,7 миллион сўм кредит ажратилди. Бундан ташқари, 1,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳам очилди. Ажратилган кредитлар ҳисобига 95 та янги иш ўринлари яратилди. Барпо этилган кичик ва ўрта бизнес корхоналарида йилига 71,7 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

Кейинги йилларда фондимизнинг молиялаштириш соҳасидаги фаолиятининг янги турлари ҳам вужудга келди. Биз товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига аъзо бўлиб кирдик. Бунинг натижасида кичик ва хусусий корхоналарнинг низом сармоясида қатнашиш вазифаси ҳам зиммамизга юклатилди. Шунга мувофиқ қатор хусусий ва кичик корхоналар, фермер ва деҳқон хўжаликларининг Низом сармоясида ўз маблағларимиз билан қатнашяпмиз.

Биргина Бекобод туманидаги «Туронмашина» кичик корхонаси низом сармоясига 4,7 миллион сўм миқдорида маблағ ўтказилди. Паркент туманидаги «Паркент» тикувчилик ҳиссадорлик жамияти билан

*Фармон ва ижро*

ҳам шу хусусда ҳамкорлик шартномаси тузилди. Унга мувофиқ бу жамиятнинг Низом сармоясига 5 миллион сўм миқдорида улуш қўшдик. Бундан ташқари, бошқармамиз «Паркент» ҳиссадорлик жамияти, Паркент тумани меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими ҳамда Олмониянинг «Пфафф-Зингер» савдо уйи билан ҳамкорликда «Бизинтруд-Паркент» масъулияти чекланган жамият ташкил қилмоқда. Жамият хорижий тикувчилик асбоб-ускуналари билан жиҳозланган замонавий фабрикани барпо этишга киришди. Бу ерда кўпгина янги иш ўринлари очилади, сифатли тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Республика Вазирлар Маҳкамаси ўтган йили чиқарган «Оила манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар Давлат Дастури тўғрисида»ги қарори асосида ўрта ва кичик бизнесга ёрдам беришнинг яна бир янги усули жорий қилинди.

Фондимиз томонидан шу хусусда ишлаб чиқилган тартибга мувофиқ жисмоний шахсларни микрокредитлар билан таъминлашдан иборат йўналиш вужудга келди.

Бу йўналиш истиқболли ҳисобланади. Унга биноан ишсиз қолган оилаларни, айниқса, уй ишлари билан банд бўлган аёлларни, шунингдек бошқа жисмоний шахсларни иш билан таъминлаш имконияти анча кенгаяди. Чунки улар бевосита ўз уйларида ҳунармандчилик ва бошқа шунга ўхшаш ишлар билан шуғулланиш, буюртмаларни бажариш, томорқаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда ана шундай микрокредитлардан фойдаланишлари мумкин. Бу оила аъзоларининг иқтисодий фаоллигини оширишга олиб келади ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазаси кучаяди.

Микрокредитлар ажратишнинг ҳам ўз тартиб-қоидалари бор. Буни ундан фойдаланишга аҳд қилганлар аниқ билиб қўйишлари лозим. Шу йўл билан ажратилган маблағни савдо ёки олди-сотди ишларида ишлатиш қатъиян ман қилинади. Бундай маблағга эҳтиёжи бўлган шахслар амалдаги тартиб-қоидаларга мувофиқ банкда ҳисоб рақамини очишлари лозим. Кредит шу ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан берилади. Бундан ташқари, бошқармамиз хусусий соғлиқни сақлаш муассасаларини ташкил қилиш учун маблағ ажратишни ҳам йўлга қўймоқда.

Вилоят «Бизнес-фонд» бошқармамиз хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш, берилган кредитларнинг самарасини ошириш ва уни мақсадли фойдаланишни таъминлаш йўлидаги фаолиятини кенгайтириб боради.

***Турсун КУШАЕВ,** хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш вилоят фонди бошқармаси бошлиғи.*

## МИНГ ТОННАСИ ХОРИЖГА

***ЧИНОЗ** пахта тозалаш заводи жамоаси оқ олтинни қайта ишлаш жараёнини тобора тезлаштиряпти. Тайёрланган пахта толаси республикамиздаги тўқимачилик корхоналари қатори хорижга ҳам жўнатилмоқда.*

Корхонанинг чет эллик буюртмачилари орасида Англия, Швейцария ва қатор бошқа мамлакатлар фирмалари бор. Уларга ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг минг тоннадан ортиқроғи экспорт қилинди. Яна қатор хорижий мижозларга пахта толаси етказиб бериш режалаштирилди.

***Собир ҲАМИДОВ.***

## ЯНГИ КОН МАҲСУЛОТ БЕРДИ

***АНГРЕНДАГИ** янги кўмир шахтаси маҳсулот бера бошлади. Жорий йилда юз минг тонна саноат ёқилғиси қазиб олиш мўлжалланаётган мазкур кон «Ангрен» кўмир ҳавзасининг «Навгарзон» участкасида очилди.*

Ангрен кончилари республикамиз кўмир ёқилғисига бўлган эҳтиёжининг асосий қисмини қондириб келаётирлар. Жумладан, ўтган йили истеъмолчиларга 2,5 миллион тоннадан зиёд маҳсулот жўнатилиб, бу борадаги режа ортиғи билан адо этилди. Ёқилғига бўлган талаб эса йил сайин ортиб бормоқда. Бироқ кўмирни очиқ усулда қазиб олиш айни пайтда анча қимматга тушмоқда. Хусусан, «Навгарзон» участкасидаги кон ўзини оқламай қолди. Шуни эътиборга олиб, бу ерда бир ярим йил муқаддам шахта қурилишига киришилган эди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, мазкур участкада ҳали етти миллион тоннага яқин кўмир заҳираси мавжуд. Уни ёпиқ усулда қазиб олиш икки баравар арзон тушади.

— Шахта қурилишига тўрт юз миллион сўм сарфладик, — дейди кўмир ҳавзаси директори Иброҳим Тенглашев. — Албатта, бу анча катта маблағ. Аммо биз бу ерда кўмир қазиб олишни жорий йилда юз минг тоннага етказсак, харажатлар саккиз ойда қопланади.

Янги кон тўла қувват билан ишга тушгач, йилига қўшимча 200 минг тонна «қора олтин» қазиб олиш имкони туғилади. Айни пайтда 200 нафардан кўпроқ ёшлар иш билан таъминланади.

***Неъмат ДУШАЕВ,** ЎзА мухбири.*

# ХАЙРЛИ ИШНИНГ КЕЧИ БЎЛМАЙДИ

***ЛОБАР** бугун одатдагидан барвақт отланди. Тиббиёт анжомлари, дори-дармонлар солинган халтачасини елкасига осиб, тўғри Валентина Бикова хонадонига йўл олди. Кеча бу уйга кирганида қариянинг бироз тоби қочгандек туюлган эди. Ҳақиқатан ҳам унинг қон босими ошган экан. Дарҳол укол қилди, дорилар берди. У ўзини яхшироқ ҳис қила бошлагач, хайрлашиб, эртага эрталаб келишини айтди. Бугун эса Валентина хола анча ўзига келиб қолган, ҳолати ҳам нисбатан яхши эди. Шунга қарамай Лобар керакли муолажаларни яна такрорлади.*

— Раҳмат, қизим, умрингдан барака топ, — Валентина Бикова ўз миннатдорчилигини ифодалар экан кўзларида ёш кўринди. — Сизлар бўлмасанглар, ҳолим нима бўларди...

Валентина Бикова шаҳардаги қаровчиси йўқ, сўққабош қарияларнинг бири. Бундай кишилар ўн беш нафар. Қизил ярим ой жамияти айнан шундай фуқароларга ҳар томонлама ёрдам бермоқда. Жамият раисининг саъй-ҳаракатлари билан етмиш-саксон баҳорни кўрган отахон ва онахонларга тиббий хизмат кўрсатувчи махсус пункт ташкил этилди. Шаҳар ҳокимлиги бунинг учун хона ажратди ва уни зарур анжомлар билан жиҳозлашда ёрдам берди. «Меҳр-шафқат» деб аталмиш пунктда ҳамшира бўлиб ишлаётган Лобар Тешабоева деярли ҳар икки кунда бир марта қаровчисиз қолган кексалар уйига бориб туради, улардан хабар олади, саломатликларини кўздан кечиради, ҳожатларини чиқаради. Дастлабки ёрдамни ўзи кўрсатади, зарур бўлса мутахассис шифокорларни чақиради, касалхоналарга ётқизади.

— Биз, ҳаммамиз, — дейди саксон ёшни қоралаб қолган нафақахўр Людмила Черномирдина, — бундай ғамхўрликдан бениҳоя миннатдормиз. Лобарга жуда кўникиб қолганмиз, у фарзандимиздек бўлиб қолган, доимо ёрдамга келади, зарур бўлса, бозор-ўчарларимизни ҳам қилиб беради...

Шаҳар Қизил ярим ой жамияти қаровчисиз қолган, умуман, муҳтож оилалар ҳақида қилаётган ғамхўрликнинг турлари кўп. Чунончи, байрамлар баҳона хайр-эҳсон ишлари қилинади. Шаҳардаги саноат корхоналари, хусусий фирмалар шу мақсад учун маблағлар ажратадилар ёки озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар совға қиладилар. Бундай хайрли ишда, айниқса, «Шаҳзодбек», «Улуғ», «Нигора» ва бошқа фирмалар фаол қатнашмоқдалар. Биргина «Шаҳзодбек» фирмаси 30 дан ортиқ қариялар, муҳтож оилаларнинг ҳар бирига беш килограммдан гуруч ва ун берди. «Ғунча» тикувчилик фабрикаси ўнлаб муҳтож оилалар фарзандлари учун кийим-кечаклар, «Кибо» қўшма корхонаси ва «Бахт» фабрикаси юзлаб жуфт пойабзалларни совға қилдилар.

Муҳтож оилаларнинг фарзандлари ёзги таътилни оромгоҳларда ўтказишлари учун ҳар бири беш-олти минг сўмлик 20дан ортиқ йўлланма текин ажратилди. Байрамларда, турли саналарда кексалар учун дастурхонлар ёзиш, уларга совға-саломлар улашиш ҳам яхши анъана бўлиб қолди. Шаҳар Қизил ярим ой жамияти муҳтожларга ёрдам кўрсатишнинг яна бошқа шаклларини ҳам жорий қилмоқда.

— Шаҳримизда барча меҳнат жамоалари, тадбиркорлар ҳайр-эҳсон ишларида қатнашмоқдалар, — дейди шаҳар Қизил Ярим ой жамияти раиси Баҳринисо Бегматова. — Бундан ташқари, улар ўтган йили жамият жамғармасига уч юз минг сўмликдан ортиқ нақд пул туширдилар. Бу маблағнинг ҳаммаси ногиронлар, қариялар ва муҳтож оилаларга тарқатилди. Бироқ, дори-дармонларнинг камлиги билинмоқда. Шу масалада мутасадди идоралар, ҳожатбарорлар ёрдам кўрсатишни кенгайтиришса, айни муддао бўларди. Хайрли ишнинг бўлгани яхши, унинг кечи бўлмайди.

***Собир МАҲМУДОВ.***

## ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯ — ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР

***МИЛЛИЙ** матбуот марказида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик мавзусига бағишланган очиқ мулоқот бўлиб ўтди.*

Мазкур анжуманда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар тобора кенгайиб бораётгани, айниқса Япония Ўзбекистон халқ хўжалигининг турли соҳаларига янги технологиялар етказиб беришда фаол иштирок этаётгани қайд этилди. Хусусан, мамлакатимизда нефтни қайта ишлаш заводлари қурилишида Япония банклари ва компанияларининг ҳиссаси салмоқли бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, фан ва маданият соҳаларини замонавий техникалар билан таъминлашда ҳам Япония ҳукумати Ўзбекистонга яқиндан кўмак бераётир.

*(ЎзА).*

## ИНСТИТУТ — БИТТА, КАШФИЁТ — КЎП

***ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясининг умумий ва ноорганик кимё институти олимлари турли маъданлар ва тоғ жинсларининг кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш устида ҳам самарали изланмоқдалар. Бунда Грузия олимлари билан ҳамкорлик қўл келди.*

Грузия Фанлар академияси физика ва ноорганик кимё институтининг бир гуруҳ олимлари билан биргаликда олиб борилаётган тадқиқот учун таркибида натрий бўлган Олмалиқ тоғ жинсларида сув бўгланишининг нисбий таҳлили асос қилиб олинди. Шу мақсадда юз берадиган кимёвий ўзгариш жараёнлари атрофлича ўрганилди.

Шу институт олимларининг самарали изланишлари туфайли линолеум ҳосил қилишда поливинилхлорид композицияси технологиясидан фойдаланиш усули юзага келди. Бу ихтиро натижаси Оҳангарон «Қурилишпластмасса» ҳиссадорлик жамиятида амалиётга татбиқ қилинди.

Институтнинг нефть ва газ конденсати кимёси лабораторияси олимлари мазкур истиқболли технологияни жорий қилишда ҳам корхона мутахассисларига яқиндан амалий ёрдам бердилар.

***Али КАБИРОВ.***

# ИЗЛАНМАГАН ИЗ ЙЎҚОТАР

***ЮКИ оғир деҳқоннинг меҳнати ҳам оғир, ташвишли, аммо, шарафли бўлади. Мен бу ҳақда ўйлаганимда кўпинча бўкалик қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини кўз ўнгимга келтираман. Бу туманда режа бўйича ҳар йили 40-42 минг тонна пахта етиштириш мўлжал қилиб олинади. Бу вилоят хирмонининг салмоқли миқдорини ташкил этади. Демак, Бўка режасини бажармаса вилоятнинг ҳам иши мушкуллашади.***

***Бўканинг мард, фидойи, лабзи ҳалол пахтакорлари бу масъулиятни ҳис қилиб, ҳамиша режани биринчилардан бўлиб бажариб келар эдилар. Бироқ, уч йилдирки, уларнинг боши эгик. Ўтган йили ҳам режа 86 фоизда қолди. Бўкаликларга нима бўлди? Нега режа бажарилмай қоляпти?***

Суҳбатдошим — тумандаги Ойхўжа Йўлдошев номли жамоа хўжалиги раиси Ғафур Алимов менинг бу саволимни эшитиб ҳам ажабланди, ҳам ўнғайсизланди.

— Тўғриси, мен туман бўйича мулоҳаза юритишга «ожизлик» қиламан. Лекин, ўз хўжалигим мисолида шахсий фикр ва ўйларимни айтишим мумкин.

**— Айни муддао бўлди. Дарвоқе, тумандаги режани уддалай олмаган 13та хўжалик қаторида сизнинг ҳам жамоангиз бор. Йил якуни таҳлил қилинаётган ҳозирги дамларда ҳар хил фикрлар юрипти. Айримлар хўжаликни қўявергину, қўплаб туманлар, вилоятлар, қолаверса, республикамиз ҳам режани бажармади, бу кўпчиликка келган «тўй». Сирасини айтганда, бу йил пахта йили бўлмади, дейишяпти. Сиз бу хусусда қандай фикрдасиз?**

— Йўқ, гап йилнинг қандай келганлигида эмас. Деҳқонларимиз яхши билишадики, ҳеч вақт об-ҳаво уларни «эркалатмаган», ҳар жиҳатдан қулай келмаган. Бир йил ундоқ бўлса, бир йил бундоқ...

Аёнки, деҳқон ўз меҳнатига вақтида ҳақ олиб турсагина, кайфияти яхши бўлади, демак, ишга ихлос қўяди, ҳар қандай қийинчиликларни енгади. Президентимиз вилоят Кенгаши сессиясида, сўнгра эса вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувда қуйиб-ёниб хўжаликлар, деҳқонлар етиштирган ва сотган маҳсулотлари учун тегишли ҳақни ўз вақтида ололмаяптилар. Бечора хўжалик нима қилади, оқибатда юқори фоизли кредит олишга, қарзга ботишга мажбур бўлади. Бу муттаҳамликдан бошқа нарса эмас, мазмунидаги гапларни айтдилар.

Очиғини айтадиган бўлсак, ана шу саргардонликдан биз ҳам озор чекяпмиз. 1997 йил ҳосили ҳисобидан хўжалигимизга 5 миллион сўм пул ўтиши керак. Лекин бу пулни ҳалигача ололмаяпмиз.

Деҳқончилик, айниқса, пахтачиликдаги ишларни техникасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бор техникаларимиз эса деярли «тўкилиб» бўлган. Эҳтиёт қисмлар олиш учун пул ўтказиш ниҳоятда мушкул. Мана, бизда 6та «Олтой» трактори бор. Улар аллақачоноқ чиқитга чиқарилиши керак эди. Бизга эса амал-тақал қилинглар, деб айтишади. Шулардан биттасигина зўрға кунимизга яраб турипти. Қолганларининг эса мотори «ўлиб» бўлган. Битта моторнинг ўртача нархи эса 350-400 минг сўм туради. Айтамиз, десак муаммолар кўп. Ҳаммасини ҳал этиш пулга келиб тақалади.

***Бу ҳақда вилоят Кенгаши сессиясида гапирилган эди***

Лекин шунга қарамай деҳқонларимиз меҳнат қилишяпти. Беш қўл баробар эмас. 18та бригададан 7тасида режа бажарилди. Масалан, Рашид Раззоқов бошлиқ жамоа пахтакорлари ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олдилар. Мўмин Бойжигитов, Маҳамади Хўжаевлар бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари ҳам яхши натижаларга эришдилар. Биз ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам илғор бўлиб келган бу жамоалар саркорларининг иш услублари, тажрибаларини ўрганиб, етарли даражада эътибор бериб, оммалаштирганимизда, балки хўжаликнинг ҳам юзи ёруғ бўлармиди.

**— Шу ўринда менда бир мулоҳаза туғилди: кўриниб турибдики, астойдил тер тўкиб меҳнат қилган ана шу илғор бригадаларнинг аъзолари эндиликда бошқаларнинг касрига қолиб, хўжалик режани бажарган тақдирда бериладиган имтиёздан фойдалана олмайдилар. Ахир уларда айб нима? Шу адолатданми?!**

— Бу муаммо мени ҳам кўп қийнайди, изтиробга солади. Назаримда бу тартиб-қоидага қандайдир тузатиш киритиш керакка ўхшайди. Имтиёз бригадалар бўйича жорий қилинса, яхши бўларди, деб ўйлайман. Шундай қилинса ҳам маънавий, ҳам иқтисодий фойда катта бўларди. Тўғри-да, йил бошидан астойдил ишлаб, қандай бўлмасин, режани бажариш учун ҳаракат қилиб, охир-оқибатда мақсадга эришганларга нега қандингни ур, режани бажарганлигинг ва ортиқча хом ашё топширганлигинг учун сенга мана шунча ёғ, кунжара, шелуха берилади, деб уларнинг кўнглини чоғ этиш мумкин эмас?! Улар янада руҳланиб кетадилар, ғайратларига ғайрат қўшилиб, ҳар қандай муаммони ҳал этиш учун бор имкониятларини ишга солардилар. Ҳозирги тартиб эса уларнинг ҳафсаласини пир қилиб қўяпти.

Янгича тартиб жорий қилинса, режани уддаламаганлар уни бажарганларнинг имтиёздан фойдаланганлигини кўриб, аминманки, ўйланиб қолардилар. «Нима, бизнинг камчилик жойимиз борми, қанақа хатога йўл қўйяпмиз? Еримиз, сувимиз бир бўлса, ўшалар берган озуқани биз ҳам бераётган бўлсак. Айб ўзимиздага ўхшайди-ку». Шу мулоҳаза, шу ўй тинчлик бермай, бригадир, қолаверса, раиснинг ҳам ҳоли-жонига қўймайдилар. Бизга ҳамма шарт-шароитларни яратиб беринг, бошлиқсизми, ҳаққимизни вақтида ундиринг. Ана, ундан кейин биздан талаб қилинг.

Ишлар юришгандан юришиб кетмаса, биз кафил.

**— Сиз плёнка тагида пахта етиштиришга қандай қарайсиз?**

— Албатта, ижобий. Лекин, ўзингиздан қолар гап йўқ. Янгиликнинг ўзига йўл топиб олиши осон кечмайди...

Раис бошқа гап айтмади.

Хизмат юзасидан бу масала билан қизиқиб келаётганлигим учун ўзим баъзи бир фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман. Дейлик, бир хўжаликка 10 гектар майдонга плёнка тагига чигит экиш топшириғи берилди. Қарангки, бу топшириқни бажариш жараёнида раисдан тортиб хўжаликнинг катта-кичик раҳбарлари, хатто, навбати билан туман мутасаддилари ҳам даланинг тепасида бўладилар, тўпланиб оладилар. Бир-бирларига ўргатадилар, маслаҳатлар берадилар, талашиб-тортишадилар. Баъзида тракторчи, сеялкачиларнинг боши «айланиб» қолади. Шу иш тўғрими? Агар дала олдиндан ажратилиб, яхшилаб тайёрланган, тупроқ майин қилиб юмшатилган, махсус сеялкалар пухта созланган, тракторчи, экипаж аъзолари ўз вазифаларини икир-чикиригача билиб олган, тушунган бўлсалар «ҳайбаракаллачилар»нинг нима кераги бор?! Ахир хўжаликнинг бошқа ҳудудларида чигитни оддий усулда экиш учун ҳам пухта тайёрланиш, назорат қилиш, йўл-йўлакай учрайдиган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш керак-ку!

Яна бир ғалати ва менинг назаримда ачинарли ҳамда ҳайратланарли ҳолатни менга айтиб беришди. Ҳар бир хўжаликда ўрта ҳисобда 4-5 миллион сўмлик махсус плёнка сотиб олинган. Ажабланарли ери шундаки, дейишади деҳқонлар, бошқа нарса сўраб борсак пул ўтказиб беришлари амри-маҳол. Лекин, плёнка учун керакли миллион-миллион пул оғиздан чиқмай туриб, зудлик билан ўтказиб берилади. Буни қандай тушунса бўлади? Хўжаликларда бор-йўғи 1-1,5 миллион сўмлик плёнка ишлатилган, холос. Қолган миллион-миллион сўмлик плёнкалар омборларда «ўлик мол» бўлиб ётипти. Табиийки, ўта нам жойда сақланиши керак бўлган бу «сув қоғозлар» ишдан чиқиб, яроқсиз ҳолга келиб қолиши ҳеч гап эмас. Яна деҳқон зиён кўради.

**— Ғаллачиликда ҳам муаммолар бордир?**

— Айниқса, уруғ масаласи... Бурноғи йили роса мақтаб «Скифянка» навини эктиришди. Шолига ўхшаб сувхўр, камида беш-олти марта суғориш керак, деб огоҳлантиришди. Шундай қилдик ҳам. Лекин, минг афсуски, олти марта сув қўйилган буғдойзорлардан кам ҳосил олинди. «Эътиборсизлик» қилиб маслаҳатга «қулоқ солмай», бир-бир ярим марта суғорганлар қайтага баракали хирмон кўтаришди.

Бу йил 400 гектар майдонга яна четдан келтирилган «Юна» навли буғдой уруғини сепиб, ундириб, суғориб қўйибмиз. Қани, ҳосили қанақа бўларкин.

**— Назаримда ўзимизнинг олимларимиз томонидан маҳаллий шароитга мослаштирилиб, яратилган навларнинг қадрига етмаяпмиз.**

— Балким шундайдир... Дарвоқе, туманимиздаги бир хўжаликда «Ёнбош» навли буғдой экилганлиги, унинг ҳосили жуда яхши бўлганлиги, бироқ, табиий офат туфайли буғдой поялари ётиб қолганлиги, шунга қарамай ҳар гектаридан 40 центнердан, бошқа навлардан эса арзимаган ҳосил олинганлиги ҳақида эшитган эдим.

Бу мисолни айтишимдан мақсад шуки, биз, раҳбарлар хўжаликнинг ишига оид, фойда келтирадиган у ёки бу масалаларни ҳал этишда ўзимизнинг қатъий, мустақил фикримизга, нуқтаи назаримизга эга бўлишимиз, албатта, шарт.

Бироқ, бизда ҳақиқатан ҳам кўп ҳолларда ташкилотчилик етишмайди, эски қобиқни ёриб чиқиш учун ўзимизда етарли куч ва ирода тополмай қоламиз. Шунинг учун ўқиб, ўрганиш, изланишдан асло эринмаслигимиз керак. Ҳар куни, ҳар сонияда ўзимизга ўзимиз ҳисоб бериб, қилаётган ишларимизни таҳлил этиб, фаолиятимизга танқидий муносабатда бўлиб боришимиз керак. Айтадилар-ку, изланмаган из йўқотар, деб.

Вилоят Кенгаши сессиясида, вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан бўлиб ўтган учрашувда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIII сессиясида Президентимиз томонидан айтилган гаплар, танқидий мулоҳазалардан ўзимизга тегишли хулосалар чиқариб олдик. Янги ҳосилга пухта замин яратишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ўтган йили шудгорлаш февраль ойигача чўзилганди. Табиийки, ҳосилдорликнинг пасайиб кетишига таъсир қилди.

Бу йил 820 гектар майдонни анча эрта шудгорладик. Хўжаликни ҳар жиҳатдан юксалтириш, иқтисодини мустаҳкамлаш учун каттакичик раҳбар кадрларнинг масъулиятини оширишга қаратилган бошқа чоралар ҳам кўрилди. Бор техниканинг у ёқ-бу ёғига қараб, имконият даражасида янги мавсумга созлаб, шай қилиб қўйдик, ҳисоб. Энг асосийси — 1999 йилда пахтачиликда юз фоиз оила пудратига ўтиб ишлаймиз.

***Носир РИХСИЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.***



# ХИЗМАТГА ТАЙЁРМИЗ

ҲАР қандай бемор учун аввало шифокорнинг ширин сўзи жон малҳамидир. Пскент туманининг аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимидаги нажоткорлар кўп йиллардан бери ўзлари қасамёд этган касбга содиқ бўлиб келмоқдалар. Шу боис, улар қайси хонадонга чақирув билан боришмасин, билдирилган миннатдорчиликлардан кўнгиллари яйраб қайтишмоқда.

— Аҳолига тезкор хизмат кўрсатиш бевосита бурчимиз, — дейди шифокор Зуҳра Тошхўжаева, — бу талаб республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида ҳам алоҳида таъкидланди. Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам бериш учун бор имкониятларга эгамиз. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман марказий шифохонаси кўмагида моддий имкониятларимиз мустаҳкамланди. Ҳозирги пайтда 5 та «Дамас» русумли автомашина ихтиёримизда. Биринчи навбатда зарур бўладиган дори-дармонлар билан таъминланганмиз. Энг олис қишлоқларга ҳам етиб боришга шаймиз.

Туман «тез ёрдам» бўлимида шу кунларда 7та бригада хизмат қилмоқда. Булар орасида ўз касбига астойдил ихлос қўйган Йўлдош Абдураззоқов, Муяссар Одилова, Фароғат Шокирова сингари шифокорлар, Юсуф Дадажонов, Малик Азимов, Тўлқин Каримов каби ўрта тиббий ходимлар бор.

***Суратларда: (юқорида) катта ҳамшира Гулбаҳор Ҳолиқулова; туман «тез ёрдам» бўлимининг шифокори Зуҳра Тошхўжаева (пастда).***

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

# САРҲИСОБ НИМАНИ КЎРСАТДИ?

Оҳангарон туманидаги «Ангрен» ширкат хўжалиги якунланган йилда истеъмолчиларга қарийб эллик миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулоти етказиб берди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига беш миллион сўм фойда олинди.

Хўжалик 1330 гектар майдондан 1586 тонна ғалла, 513 тонна сабзавот ва бошқа маҳсулот олишга эришди. Мавжуд экинзорларнинг шартнома асосида ижарага берилгани, деҳқонлар уруғлик, ўғит, техника билан ўз вақтида таъминлангани ютуқларнинг асосий омили бўлди. Экинни вақтида экиш, суғориш, ўғитлаш натижасида ғалла ҳосилдорлиги ўртача 15 центнерга ошди.

Бироқ чорвачилик фойданинг анчагина қисмини «ювиб кетди». Гўшт топшириш режаси ортиғи билан уддаланган бўлсада, бошқа хил чорвачилик маҳсулоти етиштиришда қолоқликка йўл қўйилди. Наслолиш, чорва маҳсулдорлигини оширишга, ветеринария ишларига етарли эътибор берилмади.

Хўжаликда йил якунлари сарҳисоб қилинар экан, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Жумладан, деҳқончилик самарадорлигини янада ошириш, шартнома муносабатларини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилди.

***Д. НЕЪМАТОВ.***

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

**МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР**

## ЯДРОВИЙ ФАЛОКАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН

***АТОМ энергияси бўйича халқаро агентлик (АТЭХА) бош директори Муҳаммад АЛ-БАРОДАЙ «Жаҳон» ахборот агентлиги саволларига жавоб берди.***

МУЛОҚОТ уюштириш фикри ўтган йилнинг кузида Австрия пойтахтида Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (АТЭХА) бош конференциясининг 42-сессияси ишининг интиҳосидан кейин туғилди.

Конференция Агентлик кафолатлари тизимига кучли халқаро қўллаб-қувватлаш кўрсатилганини намойиш этди, техник ёрдам, ядро хавсизлиги ва радиация чиқиндилари хавфсизлиги дастурларини маъқуллади, 1998 йилнинг май ойида Жанубий Осиёда ўтказилган ядро синовларини муҳокама этди.

Сессия давомида йигирмадан зиёд давлат, шу жумладан Ўзбекистон ҳам Ядро қуролини тарқатмаслик шартномаси (ЯҚТШ) муносабати билан ўзларининг АТЭХА билан тузилган битимга қўшимча равишда халқаро верификация (назорат қилиш) саъй-ҳаракатларини кучайтиришга қаратилган кафолатларни татбиқ этиш протоколини имзолади.

Конференция ишининг натижаларини АТЭХА бош директори Муҳаммад ал-Бародай шарҳлаб берса, деган истак бор эди. Таассуфки, у билан учрашиш насиб бўлмади. — Муҳаммад ал-Бародай Венадан ҳизмат сафари билан жўнаб кетган эди. Лекин, жаноб ал-Бародай қайтиб келиши биланоқ саволларимизга лутфан ёзма равишда жавоб берди.

**— Жаноб ал-Бародай, Ўзбекистон АТЭХА билан Ядро қуролини тарқатмаслик шартномаси муносабати билан кафолатларни татбиқ этиш битимининг қўшимча протоколини имзолаган ўн биринчи давлат бўлди. Бу ҳужжатнинг асосий мазмуни ва маъноси нимада?**

— АТЭХА билан тўла қамровли ядро кафолатларини татбиқ этиш битимининг қўшимча протоколини биринчилардан имзолагани учун Ўзбекистонни табриклаш зарур. Қўшимча протоколда кўрсатилган кафолатларни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари сизнинг мамлакатингизда ҳам, протоколни имзолаган бошқа давлатларда ҳам ушбу кафолатларни амалга оширишни кучайтиради. Бу ҳужжатнинг имзоланиши Ўзбекистоннинг ядро қуролини глобал миқёсда тарқатмаслик мақсадларига эришиш бўйича ўз мажбуриятларини жиддий бажаришининг далилидир.

1997 йилнинг май ойида АТЭХА Бошқарувчилар кенгаши томонидан намунали қўшимча протокол тасдиқланган эди, бу Агентликка аъзо давлатларнинг ядро қуролини тарқатмаслик бўйича халқаро саъй-ҳаракатларига ҳиссаси сифатида мавжуд кафолатлар тизимининг фаоллиги ва амалийлигини кўтариш заруратига бўлган яқдиллик натижаси эди. Ўзбекистон имзолаган ҳужжат умумий кўшма протоколга асосланган бўлиб, Агентликнинг мамлакатдаги ядро соҳасидаги, шу жумладан ядро қуроли билан боғлиқ барча фаолияти тўғрисида кенгроқ ҳажмда ахборот олишни кўзда тутади, ташкилотимиз вакилларига кафолатларни татбиқ этишга тааллуқли бўлган иншоот ва жойларга жисмоний кириш имконини таъминлайди.

Протоколда кўзда тутилган чора-тадбирлар, чунончи, Ўзбекистоннинг АТЭХА Бошқарувчилар кенгаши рухсати билан илмий тадқиқотлар тўғрисида ахборот бериш, ядро материалларини ишлатиш, атроф-муҳит намуналарини кенг миқёсда тўплашни ўз ичига олади. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон ядро дастури тўғрисида тўла қамровли тасаввурнинг шаклланишига кўмак беради, транспарентлик (очиқлик)нинг янада кенгайиши эса халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатда ҳар қандай ғайриқонуний ядро фаолиятнинг йўқлигига ишонч даражасини оширади.

***Ўзбекистон ва жаҳон***

**— Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш устида ишлар давом этмоқда. БМТ ҳомийлигида ва унинг техникавий кўмаги остида фаолият кўрсатаётган минтақавий экспертлар гуруҳи мазкур ташаббуснинг ҳуқуқий асосини тайёрлашга киришган, бўлажак шартнома лойиҳаси моддама-модда муҳокама этилмоқда... Бу ишларнинг минтақа ва бутун дунё учун долзарблиги ва аҳамияти тўғрисида нималар дея оласиз, Ўзбекистон ва АТЭХА ҳамкорлигининг даражасига қандай баҳо берасиз?**

— Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномани кўриб чиқиш ва унинг муддатини узайтириш бўйича 1995 йилда ўтказилган шартнома иштирокчиларининг конферецияси сайёрамизда ядро қуролидан холи янги ҳудудлар барпо этиш борасидаги ишларни давом эттиравериш-нинг муҳимлигини кўрсатиб берди. Агентлик минтақада шундай ҳудуд барпо этиш тўғрисида шартнома тузишни кўзлаётган беш Марказий Осиё давлати, шу жумладан, Ўзбекистон билан ўз ваколатига мувофиқ ҳолда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Атом энергиясидан тинчликни қўллаб-қувватлаш ва бутун дунёда инсонлар фаровонлигини юксалтириш мақсадларида фойдаланиш борасидаги ҳозирги вазифаларимиз нуқтаи назаридан АТЭХА шак-шубҳасиз бундай шартноманинг тузилишидан манфаатдордир.

Сайёрамизнинг турли бурчакларида ядросиз ҳудудларнинг барпо этилиши хавфсизликнинг мустаҳкамланишига катта таъсир кўрсатди. Ўйлаймизки, Марказий Осиё минтақасини қамраб олувчи бундай ҳудуд тўғрисидаги янги шартнома нафақат Ўзбекистон ва унга қўшни давлатлар хавфсизлигини, балки халқаро хавфсизликни мустаҳкамлайди. АТЭХА эса бундай умумий мақсадга эришишда ҳар қандай ёрдамини беришга тайёр.

**— ЯҚТШни кўриб чиқиш бўйича 2000 йилда бўлиб ўтадиган Конференцияга ҳам тобора оз вақт қоляпти. Сўнгги йиллар мобайнида нималарга эришилди, 1995 йилги Конференция ўтказилганидан буён халқаро ҳамжамият олдида қандай янги муаммолар пайдо бўлди?**

— Совуқ урушнинг тугаши дунёдаги вазиятни кескин ўзгартириб юборди. Хавфсизликнинг турли соҳаларида сезиларли ўсиш кузатилди ва ўз навбатида янги муаммолар ҳам пайдо бўлди.

Биз ядровий қуролсизланиш, қуролланиш устидан назорат каби соҳаларда кўплаб ютуқларнинг шоҳиди бўлганмиз. Шу тариқа ядро синовларини бутунлай тақиқлаш тўғрисидаги шартнома имзоланди, қуролсизланиш бўйича конференция томонидан ҳарбий мақсадларда бўлинувчи моддаларни ишлаб чиқаришни тақиқлаш бўйича музокаралар учун махсус қўмита тузиш тўғрисида келишувга эришилди. Россия ва АҚШ ядро моддаларининг талай қисмини ўз мудофаа дастуридан чиқариб, уларни АТЭХАга назорат учун тақдим этишга рози бўлдилар. Қўшимча протокол таркибидаги чора-тадбирларни қабул қилиш натижасида Агентликнинг кафолат тизими мустаҳкамланди ва мукаммаллашди.

Аммо, бажарилиши керак бўлган ишлар талайгина. Мавжуд ядро қуролларини батамом йўқ қилишга эришиш қийин мақсадлигича қолмоқда. Ҳиндистон ва Покистон томонидан ўтказилган ядро синовлари юқорида айтиб ўтилган ижобий ўзгаришларга зиддир. Ядро қуролини тарқатмаслик бўйича ҳаракатларни сусайтирмаслик керак, Ироқ ва КХДР каби мамлакатлар бунинг тасдиғидир. Мазкур сохада халқаро ҳамжамият номидан фаолият юргизаётган АТЭХАнинг хушёрлигини ошириш керак. Мудофаа мақсадларида фойдаланилгандан сўнг қоладиган ядро моддаларини назорат қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўйлайманки, кенг қамровли ва минтақавий аҳамиятга молик бўлган бу ва бошқа кўпгина масалалар 2000 йилда бўладиган Конференциянинг диққат марказида бўлади. Шунингдек, АТЭХА 2000 йилнинг ўрталарига келиб, ташкилотнинг кўпгина аъзо-давлатлари Агентлик билан шартноманинг қўшимча протоколларини имзолашларига умидвордир. Бу эса Агентлик кафолат тизимининг мустаҳкамланиш жараёни янада муваффақиятли боришидан далолат беради.

***Олег ШАТУНОВСКИЙ,***
***«Жаҳон» АА шарҳловчиси.***

## ЯХШИ НИЯТ — ЁРТИ МОЛ

КОРЕЯ Халқ Демократик Республикаси сўнгги пайтларда ўз қўшнилари ҳамда узоқ ҳориждаги давлатлар билан муносабатларни янги поғонага кўтариш борасида саъй-ҳаракатларини тобора кўчайтирмоқда. Хусусан ҳукумат Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН)га аъзо мамлакатлар билан алокаларини кенгайтира бошлади. КХДР ташқи ишлар вазирлиги вакилининг яқинда берган баёнотида ана шундай фикрлар қайд этилди. У Шимолий Корея айнан шу мақсадда Бруней билан дипломатик муносабат ўрнатгани ва ушбу ҳамкорлик нафақат икки мамлакат, балки, Осиёнинг барча давлатлари нуқтаи назарларига ҳамоҳанг эканини таъкидлади. Эндиликда КХДР билан Бруней ўртасида элчилар даражасида дипломатик алоқалар ўрнатилди. Бундай муносабатлар сиёсий, иқтисодий ва маданий мулоқотларнинг янада ривожланишига туртки бўлади, деди ташқи сиёсат маҳкамаси вакили.

Шундай қилиб, Шимолий Корея шу кунгача дунёнинг 136 давлати билан дипломатик муносабатлар ўрнатди.

## ҚОЗОНГА ЯҚИН ЮРСАНГ...

МАЪЛУМКИ, Шарқий Осиёнинг қатор давлатларида уч йилдан буён давом этиб келаётган молиявий инқироз бошқа минтақаларда ҳам ўз касрини кўрсата бошлади. Жумладан, Африка қитъаси ҳам четда қолмади. Молиявий бўҳрон туфайли ўтган вақт давомида Африка қитъаси иқтисодиётининг ўсиш даражаси деярли 50 фоизга қисқарди.

Африка мамлакатлари Осиё давлатларига асосан тўқимачилик маҳсулотлари, какао, қурилиш моллари, каучук ва ўсимлик ёғи экспорт қилади. Аммо, кейинги пайтларда Осиё бозорларида бу маҳсулотларга бўлган талаб кескин пасая бошлади. Оқибатда юқорида айтилган маҳсултларни ишлаб чиқариш ҳажми анча камайди. БМТ маълумотларига қараганда, Африкада ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1996-1997 йиллар давомида 5,8 фоиздан 3,2 фоизга қисқарди.

## СУВ ОСТИДАГИ ЖОСУСЛАР

ШУ КУНЛАРДА Исроил матбуотида Покистон оммавий ахборот воситаларининг мақолалари ва кўрсатувлари алоҳида «жазава» билан муҳокама этилмоқда. Гап шундаки, Исроилнинг разведкачи кемалари кейинги пайтларда Покистоннинг ядровий нуқталарини аниқлаш юзасидан тинимсиз равишда кузатиш ишлари олиб борганлиги ошкор бўлди.

Жумладан, 1998 йилнинг апрелида Исроилнинг «Йошке-6» кемаси электрон жиҳозлар билан соҳилларни кузатаётганда Покистон махсус хизматлари мутахассислари «гаразғўй» кемани пайқаб қоладилар. Исроилликлар шоша-пиша ўзларини кузатиб келган сув ости кемасига ўтадилар-да, жуфтакни ростлашга улгурадилар. Жосус кема эса чўктириб юборилади.

Ўтган йил охирларида Покистон ғаввослари «чақирилмаган меҳмон» — «Йошке-6» ғарқ бўлган жойни аниқладилар ва уни излаб топдилар. Ана шундан сўнг Якин Шарқ оммавий ахборот воситаларида катта шов-шув кўтарилди.

## БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

### ЭҲ, ОНАИЗОР...

Ҳайвонот оламидаги жонзотлар ичида «Панду» деб аталган антиқа маймунлар учрайди. Улар асосан Шарқий Осиё мамлакатлари, жумладан, Индонезия, Австралия ўрмонларида умр кечирадилар. Пандуларнинг емиши бамбук ўсимлигидир. Бир кунда бир Панду 15 килограммгача ана шундай набототни истеъмол қилади.

Лекин, пандулар жуда секин кўпаядилар. Боз устига, табиатшунос олимларнинг айтишича, уларнинг сони бутун жаҳон бўйлаб ҳозирги пайтда атиги 100тага етар экан. Шу боис бу маймунлар дунёвий «Қизил китоб»га киритилган. Энг ажабланарлиси шундаки, она панду ўз боласини ёнидан бир қадам ҳам жилдирмайди. Агар шундай ҳодиса юз берса, она панду бир неча кун ичида ўлиб қолар экан. Эҳ, онаизор...

### КАНЦЛЕР ҲАМ ҚАРЗ ОЛАРКАН

ОЛМОНИЯ бундестаги ходимлари яқинда ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўлдилар. Маҳкаманинг ошхонасида дафъатан янги канцлер Герхард Шрёдернинг пайдо бўлиб қолганини кўрган ходимлар ёқа ушладилар. Чунки, аввалги канцлер Гельмут Коль бирон марта ҳам бу ошхонага кирмаган эди.

Г. Шрёдер ҳеч нарса бўлмагандек, навбатда туради. Ҳисоб-китоб қилиш пайти келганда эса унинг ранги бироз ўзгаради. Олинган таомлар мўлжалдан ошиқроқ эди. Канцлер 25 пфеннигни қаердан олишни билмай турганда, ходимлардан бири унинг «жонига оро киради»...

Эртаси кун канцлер ноқулай аҳволдан халос қилган ходимни чақириб, раҳмат айтди ва кечаги қарзидан узилди.

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

Бир ғазал шарҳи

*Огаҳий таваллудининг 190 йиллигига*

# ҲУСН ВА ИШҚ ЖАМОЛИ

ХОРАЗМИЙ илм ва шеърият ўлкасининг энг мумтоз шоири Огаҳий ўз девонига «Таъвизул ошиқин» («Ошиқлар тумори») унвонини раво кўрган. Зеро санъаткор муаллиф ўз девонини ошиқлар қўлида бўлишини орзу қилган:

***Огаҳий, дилсўз назмингни элитса аҳли ишқ,***
***Бўйнига таъвиздек айларлар ашъорингни банд.***

Шоирлар ва олимлар сезганларидек, ҳар бир девонга кўрк бўладиган бир сира ғазаллар бўладики, шулар шоир маҳорати кўрсаткичлари ҳам ҳисобланади. Огаҳийнинг ана шундай маҳоратли шоир эканлиги ҳужжати бўлган ғазаллари орасидан қуйида бирини танлаймизки, бу шеър ишқий ҳис-туйғулар талқини билан ҳам, маъшуқа ҳусни ва ошиқ муҳаббати камоли изҳори билан ҳам эътиборга лойиқдир:

***Юзинг очким, қуёш садқанг бўлуб,***
***бошингдин айлансун,***
***Янги ой юз тавозуъ кўргузуб, қошингдин***
***айлансун.***

***Агарчи лаълу ёқут эл замириға муфарриҳдур,***
***Ҳаётафзо ики лаъли гуҳарпошингдин айлансун.***

***Тану жоним ҳадаф айлаб, ўқу тош отсанг,***
***эй чобук,***
***Бири ўқунгдин эврулсун, бири тошингдин***
***айлансун.***

***Рақибинг гар эрур ҳасмим, они йўлдош***
***этуб келсанг,***
***Санга жон садқа бўлсун, жисм йўлдошингдин***
***айлансун.***

***Чу ўн саккизга етти ёшинг, ол бурқаъ***
***жамолингдин —***
***Ки, ўн саккиз минг олам ўн саккиз ёшингдин***
***айлансун.***

***Боқиб кўз учидан пинҳон, фош этдинг тағофуллар,***
***Йўқу борим ҳамул пинҳон ила фошингдин***
***айлансун.***

***Неча қаллош эсам ҳам ағниё олдида бош эгмон,***
***Ғанийлар ҳиммат ичра ушбу қаллошингдин***
***айлансун.***

***Чу бергунг нон ила ош, эй саҳий, сидқ***
***аҳлиға бергил,***
***Риёю кизб аҳли нонингу ошингдин айлансун.***

***Ул ой кўнглиға қилди, Огаҳий, оҳу ёшинг таъсир,***
***Бори жону жаҳоним оҳ ила ёшингдин айлансун.***

Мазкур ғазални биз Ўзбекистоннинг бир неча ҳофизлари ижроларида эшитганмиз, таъсирланганмиз. Қўшиқ тинглашдан мақсад руҳий лаззатланишдир: бироқ кўплар бу лаззатланишни мусиқа ва қўшиқ маромига маҳлиёлик билан чеклаб, теран маъно ва ҳис-туйғулар ифодаси билан мазмун идроки бахтидан бебаҳра қоладилар.

Биз бу бирёқламалилик — кемтикликни тўлдириш учун шеър бўйлаб байтма-байт мазмун шарҳи ва шеърий нафосат изҳорига дахл этишга уриниб кўрамиз.

***Юзинг очким, қуёш садқанг бўлуб, бошингдан***
***айлансун.***
***Янги ой юз тавозуъ кўргузуб, қошингдин***
***айлансун.***

Мумтоз шеъриятдаги ўхшатиш анъаналарига кўра: ёр юзи қуёшга ташбиҳ берилади. Қуёш шунинг учун маҳбуба бошидан айлантириляптики, унинг юзи қуёшдан ҳам кўзни қамаштирадигандир. Маълумки, «айлансун» сўзи гиргиттон бўлиш, фидо бўлишни билдирадиган халқона ифодадир. Янги ой ўроғи ҳамиша таъзимда. Шоир уни юз бора таъзим қилдириб, гўзал қошларидан айлансин демоқда. Чунки қизнинг қайрилма қошлари янги ой ўроғидан сулув ва нафосатлидир. Ҳар иккала мисрадаги қиёслар заминида яширин ташбиҳ санъати тургани сир эмас. Яна бир ажойиб ҳолат — самонинг икки буюк сайёраси жонлантирилмоқда: ой ва қуёш сулувнинг юзи ва қоши теварагида айланмоқда...

***Агарчи лаълу ёқут эл замириға муфарриҳдур,***
***Ҳаётафзо ики лаъли гуҳарпошингдин айлансун.***

Лаъл ва ёқут — қимматбаҳо алвон рангли тошлардир. Улар эгаларини қувонтирадилар, яратадилар, ҳавасларини оловлантирадилар. Бироқ лаъл ва ёқутга рангдош ёр лаблари ҳаёт бағишловчидир... Байт мазмуни: лаъл ва ёқут эл бағрини яратувчи бўлсаларда, улар сўзда гавҳар сочувчи ҳаётбахш лабларингдан айланиб кетсинлар.

***Тану жоним ҳадаф айлаб, ўқу тош отсанг,***
***эй чобук,***
***Бири ўқунгдин эврулсун, бири тошингдин***
***айлансун.***

Ижодкор «Эй чобук!» деганида нидо санъатини қўллаганидек, ўқ, ҳадаф (нишон), чобук (жангчи) — ўзаро алоқадор, дахлдор сўзлар иштирокида таносиб санъатини юзага чиқарган. Шоир китобхонга сездирмай савол қўйган: қани топчи: тан нимадан айлансину, жон нимадан айлансин? Мушоҳадакор ўқувчи адашмай биз мазмунда келтирган жавобни ҳозирлай билади. Чунки тош танга тегади, ўқ жонгача кириб боради...

***Рақибинг гар эрур хасмим, они йўлдош***
***этуб келсанг,***
***Санга жон садқа бўлсун, жисм йўлдошингдин***
***айлансун.***

Хасм — ғаним. Рақиб — ошиқ душмани. Ошиқ душмани унинг хонадонига севгилиси билан йўлдош бўлиб кириб келса-чи? Унда нима бўлади? Қизиқ мулоҳаза-я... Шоирнинг ошиқ тилидан айтаётган юрак изҳори нақадар самимий:

Рақиб ғаним бўлса-да, уни йўлдош қилиб келадиган бўлсанг: сенга жоним садқа бўлсин, таним рақибдан айлансин!

Бу ҳурматларнинг боиси: рақибнинг ёрга йўлдош бўлиб келишидир. Ғазал тузилиши беҳад пухта: осмонда ой ва қуёшни, ерда лаъл ва ёқутни, ошиқнинг тани ва жонини бирма-бир ёрга фидо қилиб келаётир. Энди шоир фикридаги фидойилик ўз чўққисига чиқади — шеър кульминация байтига навбат беради:

***Чў ўн саккизга етти ёшинг, ол бурқаъ***
***жамолингдин —***
***Ки, ўн саккиз минг олам ўн саккиз ёшингдин***
***айлансун.***

Тасаввуф аҳли тасаввурича, Оллоҳ ошиқларига Тангри ўн саккиз яшар гўзал баркамол қиздай кўринади. Балки Огаҳий ҳам буни назардан соқит қилмагандир. Агар буни назарда тутмаганида ёрга бутун оламни фидо қиларди. Ваҳоланки, ўн саккиз минг оламга дахл этилмоқда:

Ўн саккиз ёшга тўлганингда юзингдаги чимматингни олиб қўй. Токи ўн саккиз минг олам сенинг ўн саккиз ёшингдан айлансинлар!

Дин тарихидан кузатишларича Мусо алайҳиссаломдан бошлаб барча Оллоҳ ошиқлари Тангри юзини кўришга муштоқдир. Орифлар, сиддиқлар, сўфийлар... барча-барчаларининг олий орзулари икки оламдан воз кечиб Оллоҳ висолига эришишдир. Шунинг учун ҳам ошиқ ўз маҳбубасига юзингдаги чимматингни ол! Ўз Яратганинг — ўн саккиз минг оламнинг барча мавжудотлари сендан айлансинлар! демоқда...

***Боқиб кўз учидин пинҳон, фош***
***этдинг тағофуллар,***
***Йўқу борим ҳамул пинҳон ила фошингдин***
***алансун.***

Яширинча менга кўз қирингни ташлаб, ўзингни кўрмаганга солдинг. Менинг бор-будим сенинг яширинча қарашинг ва билиб-билмасликка солишингдан айлансин!

Ошиқ севгилисининг куйдириш усулидан ўпкалагани йўқ:

қойил қолмоқда.

***Неча қаллош эсам ҳам ағниё оллида***
***бош эгмон,***
***Ғанийлар ҳиммат ичра ушбу қаллошингдин***
***айлансун.***

Ҳар қанча йўқсил бўлсам ҳам, бадавлатлар олдида бош эгмайман. Бойлар ҳиммат бобида мендай камбағалингдан айланиб кетсин!

Шоир камбағал ошиқни бадавлат кишидан пастга қўймаяпти, аксинча қашшоқ ошиқнинг ҳимматига ҳавас қилинмоқда. Санъаткор маҳорати шундаки: бой ва камбағал — сарватдорликда тенгсиз ва қарамақарши табақаларни юзлаштириб, тазод (қаршилантириш) санъатини қўллаган. «Ағниё» ва «ғаний» сўзлари ўзакдош бўлгани учун иштиқоқ номли шеърий санъат кўрсаткичи ҳамдир.

***Чу бергунг нон ила ош, эй саҳий,***
***сидқ аҳлиға бергил,***
***Риёю кизб аҳли нонингу ошингдин айлансун.***

Байт мазмуни: эй саҳий, нон ва ош бермоқчи бўлсанг, тўғри, ростгўйларни сийла. Риёкор ва ёлғончиларга нону ошинг хайф кетади!

Бу байтда ҳам сиддиқлар ва кизб аҳли (ёлғончи каззоблар) — икки аҳлоқий қутб эгалари тазоди назарда тутилган. Сидқ аҳли — сиддиқлар — Оллоҳнинг ошиқларидирлар.

***Ул ой кўнглиға қилди, Огаҳий,***
***оҳу ёшинг таъсир,***
***Бори жону жаҳоним оҳ ила ёшингдин***
***айлансун.***

Эй Огаҳий, сен тортган оҳларинг ва тўккан кўз ёшларинг ойдай маҳбубанг кўнглига таъсир қилди. Таъсир қилаолгани учун жону жаҳоним оҳу ёшингдан айлансин.

Кўряпмизки, ғазал — самимий ва таъсирчан. Равон ва мусиқий. Шеърга зийнат ва ифодалилик бағишлаган усул мураддаф — радиф иштирокидир. Шоир маҳорати шундаки, матндаги радиф дуч келган ҳар қандай сўз эмас, балки халқ тилида фидойиликни ифодалайдиган «айлансун» иборасидир. Гўё бутун бошли ғазал халқ оғзаки ижоди бўёғига ботириб олинғандай халқчиллик касб этган.

Мумтоз шершунослик бундай ғазалларни якпора, ёмби ғазал тарзида тасниф этадики, бу атама шеърнинг қуйма яхлитлигини кўрсатиб туради. Одатда, кўпчилик ғазалларда паришонлик ҳукмронлик қилади: шеър таркибида ҳар бир байт мустақил мазмунли бўлиб, байтлараро мазмун алоқаси узоқ бўлади. Биз ўрганган ғазал эса яхлит мазмунли шеър сифатида шоир ижодида шоҳ ғазаллар сирасидандир.

***Ваҳоб РАҲМОНОВ,***
***филология фанлари номзоди.***

*Спортимиз юлдузлари*

## У ЭШКАК ЭШГАНДА...

ЎЗБЕКИСТОНЛИК спортчилар шўролар даврида халқаро мусобақаларда ҳар қанча маҳорат кўрсатиб, совринли ўринларни эгалласаларда, барибир Ватанларининг донги чиқмасди. Негаки, барча шон-шараф собиқ СССР номига бўлиб, ареналарда унинг байроғи кўтарилар эди.

Мана энди мустақиллик шарофати билан ўзбекистонлик спорт усталари учун ҳам ўз ватанлари шарафини улуғлаш имкониятлари туғилди. Бугунги кунда улар спортнинг айрим оммавий турлари бўйича жаҳон спорт ареналарига дадил чиқиб, Ўзбекистонни бутун дунёга танитмоқдалар.

Ана шундай маҳоратли спортчилардан бири чирчиқлик эшкак эшиш бўйича спорт устаси Андрей Шилиндир. У Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, мамлакат терма жамоасига битта олтин ва иккита бронза медалини олиб берди. Шуниси қувончлики, Ўзбекистон спорт шарафини жаҳонга таратаётган эшкак эшувчиларнинг аксарияти пойтахт вилоятида етишиб чиққан спортчилардир.



***Суратда: Андрей ШИЛИН.***
***Даврон АҲМАД олган сурат.***

*Ўқинг, бу қизиқ*

### ГОЛЬФ ШАРҚҚА КЕЛЯПТИ

ГОЛЬФ — ёлғиз ўйналадиган ўйин. Майдонга чиқиб, коптокни уриб, кейин йўлда учраган бошқа ўйинчилар билан сўзлашиб шошмасдан мўлжал сари бораверасан. Энг ажабланарлиси Америкада, жуда кўпчилик томошабин ўйинларни ёқтирадиган мамлакатда гольф телевидение орқали олиб кўрсатиладиган энг оммавий спорт турига киради.

Гольф ишқибозлари бу ўйинни ўйнаш учун кишининг таҳлил қобилияти кучли бўлиши керак, дейишади. Чиндан ҳам гольфдаги ғалабани қаттиқ зарба эмас, асабларни тинчлантириш, ўзини қўлга олиш, бутун диққатини бир ерга жамлаш ҳал қилади.

Тошкентда ҳам бу мўъжизакор ўйин шайдолари кўп. Бу йил очилган гольф клубда ишқибозлар доимо гавжум.

### ҚЎНИМ ТОПМАГАН УСТОЗЛАР

ИСПАНИЯНИНГ машҳур «Реал» жамоаси устози Хосе Антонио Камачо тарихга «Энг қисқа муддатли устоз» сифатида кирди. У бу жамоада 23 кун ишлади. Ҳозир клубнинг устози Гус Хиддинк Франциядаги жаҳон биринчилигида голландияликларга тренер бўлган эди. Чемпионатда ҳам ном қозонган Хиддинкни биринчи бўлиб «Реал»нинг президенти Лоренсо Санса «илгади». Бу пайтда у Камачодан хасипи совуб улгурган эди. Гус Хиддинкни тренерларга бўлаётган муомаласидан зиғирдек ҳам ажабланмади. «Реал»ни чемпионлар лигасидаги ғолиблигини таъминлаган Юпп Хонкесни ҳеч бир сабабсиз бўшатиб юборишганди. Энди эса Камачони осонгина Хиддинкка алмаштиришди. Хиддинкнинг хотиржамлиги эса ҳаммани ажаблантирмоқда...

### ЮТҚАЗИШНИ ҲАЗМ ҚИЛОЛМАЙДИ

ГАБРИЭЛЬ Батистута ўзининг ватани Аргентинада эмас, балки Италияда ҳам ишқибозларнинг эркатойидир. Унинг номи Флоренцияда ҳар бир одимда тилга олинади. Бир неча йиллардан бери «Фиорентина» клубида ўйнаб келаётган Батистута ана шунақанги чапдастлардан. Эҳтиросини жиловлай олмаган ишқибозлар «Фиорентина» ўйнайдиган стадионда унинг ҳайкалини ўрнатишди. Ҳатто Габриэлдан ўз номзодини шаҳар мэри лавозимига қўйишни ҳам илтимос қилишмоқчи бўлишди.

Клуб раҳбарияти ва ўйинчилар орасида келишмовчиликлар бўлиб қолса. Батистута дарҳол ҳар икки томонни келиштириб қўяди. Флоренцияда Батистутанинг обрўси клуб президенти Чекки Горидан ҳам юқори деб баҳолашади.

Аргентинада ҳам Габриэлнинг ихлосмандлари кўп. Аргентина терма жамоасининг тренери Даниэль Пассарелла Батистутани чақирмасликка иқрор қилди. Ўша заҳотиёқ ишқибозлар ҳам, журналистлар ҳам жунбушга келишди. Пассарелла Батистутани терма жамоа таркибига киритиб, жонини сақлаб қолди. Лекин Габриэлнинг характери жуда оғир. У аввало ютқазишни сира хоҳламайди. Ҳатто севимли хотини Иринага картада ютқазиш ҳам унинг учун оғир. Ўзи ҳам буни тан олади. «Ютқазишни асло ҳазм қилолмайман» дейди.

### «ҚИРОЛ»НИНГ ШАХСИЙ ҲАЁТИ

ФУТБОЛ оламининг энг ёрқин юлдузи Пеле футбол майдонларидаги ғалабалари билан бир қаторда аёлларнинг ишқибози сифатида ҳам машҳур. Бу бразилиялик футбол устасининг фақат оёқлари сеҳргар эмас, ҳатто кулганида 32 тиши кўринадиган табассумида ҳам жоду бор. Унинг беш фарзанди — икки ўғли, уч қизи бор. Катта ўғли Эдиньо ота изидан бориб футболчи бўлди. Фақат ҳужумчимас, дарвозабон. «Дарвозани қўриқлаш — қийин касб, — дейди Пеле, — лекин мени икки яшар ўғлим Жошуа ҳужумчи бўлади: у билан бир кунда туғилган синглиси Селеста отасининг таъбири бўйича, волейбол юлдузи бўлиши керак.

### ТАЙЧАСИГА МУШТЛАШУВ

КАРАТЭ, кун-фу, жиу-житсу ва ҳоказолар орасида кикбоксинг — тайча бокс алоҳида ўрин тутади. Тайча бокс ўзини ҳимоя қилиш бобида жуда кўп қўл келади. Лекин мутахассислар уни Таиланднинг миллий спорт тури деб баҳолашмоқчи.

Тайча бокс жуда қадимдан бери машҳур бўлиб келади. Ушбу ўйин мусобақалари томошабинларни ўтирган жойига «михлаб» қўяди. Лекин рақиблар бир-бирларига берган зарбалари ҳам боксчиларни рингга михлаб қўйиши ҳеч гап эмас.

Тайча боксга қараганда кикбоксинг нисбатан ёш спорт туридир. У 1974 йилда пайдо бўлган. Лекин «Тайча бокс»дан ўзиб кетди. Яқинда у спорт оламида бокс даражасига чиқиб олса ажаб эмас.

### БОКСЧИ... ҲИБСГА КЕТДИ

БОКСЧИ одатда рингга чиқади. Лекин таниқли Америка боксчиси Пернилл Уитакер уч ой ҳибсга кетди. Тезликни оширгани учун Виржиния штати суди уни 500 доллар жарима тўлаш ва уч ой қамоққа ҳукм қилди.

Албатта, Уитакернинг шуҳрати, бокс оламидаги обрўси ёрдам берди. У икки кун қамоқда ўтирди ва озодликка чиқди. «Қолган 88 кунни агар штатдаги қонунларни яна бузсангиз ижро этамиз», дейишди ҳакамлар.

Шеърият

## ҚУВОНЧИНГГА ЯНА ШЕРИКМАН...

**МЕН УНИ СЕВАРДИМ**

*Ёлғизлик ёмондир, ёлғизлик қурсин,*
*Оҳудек тутқиндир кўнгилнинг изми.*
*Асабий қон босим у ёқда турсин —*
*Мағрурлик бесабаб ўлдирар бизни...*

*Мен уни севардим,*
*Севгандир у ҳам...*
*Фақат мағрурликдан асрай олмадим.*
*Шодлигу қайғуни кўрмадик баҳам, —*
*Мен уни севардим, у-чи қолмади.*

*Билмадим... олисми, борар манзили, —*
*Не ҳолга тушаркин, уни топгунча?!*
*Мағрурлик ёмондир қўймайди ҳоли*
*Бу жонсарак кўнгил зирқирар мунча?!*

*Ҳозирча бу унга қўрқинчли эмас,*
*Қўрқаман... ёлғизлик уни эзмасин,*
*Одамлар, одамлар, сиздан*
*илтимос:*
*Сиз уни авайланг, ўзи сезмасин!*

**ЖИМГИНА ЎТАМАН...**

*Баҳор эшик қоқар, совуқ томчилар,*
*Кўнгилга сокинлик, юпанч берса ҳам.*
*Омадсизлик шу-да, тиғдек санчилар —*
*Ва шодлик келтирмас,*
*Келтирмас алам.*

*Ялангоч тераклар титрар асабий*
*Сунъий кўринади, шунчаки... Баҳор!*
*Юрак типирчилаб тутқун қуш каби*
*«Омадсизлик» дея шивирлар*
*такрор...*

*Жимгина ўтаман осма кўприкдан,*
*Жимгина ўтади омадсизлигим.*
*Сенинг қувончингга яна шерикман —*
*Баҳор омадсизлиги бу —*
*Севгилим!*

**ЎША МАЖНУНТОЛ**

*Кўзларимда ўткинчи хаёл,*
*Интиқ қалбга олов туташган.*
*Сени севганинг ўша мажнунтол —*
*Ўзгаларга бўлибди маскан.*
*Айри тушди йўлимиз у кун*
*Сен-ку, дилда эзгу бир хаёл.*
*Нега ахир бош эгар бугун*
*Сен севганинг ўша мажнунтол?!*
*Сирли, сирли эгилиб хушхол,*
*Шу сеҳргар эрта баҳорда,*
*Сен севганинг ўша мажнунтол —*
*Севгимизни сочар анҳорга,*

*Кўзларимда сўнгсиз бир малол...*

**БУ ҲАЁЛДИР...**

*Олисларда йўқлайсан мени*
*Тушларимга кирасан ҳатто:*
*«Тур ўрнингдан ғафлатда ётма —*
*Ўзим келдим сени кўргани...» —*
*Дея, мени уйғотасан гоҳ,*
*Бу ҳаёлдир, ҳаёл бегуноҳ...*

*Сўнгсиз соғинч уйғотар дилда,*
*Ҳузурингга шошаман фақат,*
*Райҳон исин уфурган суврат —*
*Ҳатто, бир зум беролмас далда.*
*Тунги йўлга шошиламан, гоҳ —*
*Бу хаёлдир, хаёл бегуноҳ...*

*Кечир, гулим! Ҳисларим нотинч,*
*Не учундир бағрим хун бугун.*
*Ҳаёлингла ўтиб кетди тун, —*
*Яқин қолди учрашув, севинч...*

*Шавкат ТУРОБ.*

## ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ ОЛДИДАН

***ЎЗБЕКИСТОН Бадиий Академияси пойтахтдаги бир неча меҳрибонлик уйларини оталиққа олган. Шулардан бири А. Хлешбукина номидаги 22-меҳрибонлик уйидир. Бу ерда ўтказиладиган ҳеч бир тадбир академия ходимлари эътиборидан четда қолмайди.***

Куни кеча бу масканда ижодкору санъаткорлар, журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди. Меҳмонлар орасида Ўзбекистон халқ рассомлари — академик Рўзи Чориев, профессор Абдумўмин Бойматов, Республика рассомлик коллежи ўқитувчилари ҳам бор эди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки меҳрибонлик уйида тасвирий санъат билан қизиқувчи ёшлар талайгина. Бадиий академия рассомлари эса уларга устозлик қилишади. Ёш рассомлар бир неча бор болалар кўргазмаларида иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритаётганининг сабаби ҳам шунда.

Устозлар ташрифидан илҳомланган кичик мусаввирлар ўз маҳоратларини яна бир бор намойиш этишга ҳаракат қилдилар. Уларнинг эркин мавзудаги ижодлари бўйича танлов ўтказилди. Унда ўнлаб портретлар, табиат гўзаллиги, пойтахт кўринишлари акс эттирилган расмлар яратилди. Бу танлов шу йил баҳорда мамлакатимизда, келаси йил июль ойида Америка Қўшма Штатлари пойтахти Вашингтон шаҳрида ўтадиган «Болалар санъати-2000» халқаро фестивалига тайёргарликнинг ўзига хос дебочасига айланди. Танлов ғолибларига рассомлик анжомлари совға қилинди.

***М. ОДИЛОВА, ЎзА.***

## ЎЗБЕК РАҚҚОСАЛАРИ — ҲИНДИСТОНДА

*ХИНДИСТОННИНГ Аҳмадобод шаҳрида фольклор рақслар халқаро фестивали ўтказилмоқда. ЮНЕСКО қошидаги фольклор фестивалларини ташкил этиш халқаро маркази ташаббуси билан уюштирилган бу тадбирда дунёнинг беш қитъасидан кўплаб якка рақҳоса ва бадиий жамоалар иштирок этяпти.*

Ўзига хос улкан санъат байрамига айланган ушбу анжуманнинг қатнашчилари ва меҳмонлари ўзбек миллий рақс санъати намуналари билан ҳам танишадилар. Зеро, фестивалда «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси Хоразм вилоят бўлимининг Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғавҳар Матёқубова раҳбарлигидаги «Хоразм наволари» ансамбли иштирок этмоқда. Унинг таркибига «Тановар» рақс театрининг моҳир рақҳосалари Гулшод Абдиева ва Наима Юсупова ҳам киритилган. Ўзбекистонлик санъаткорлар намойиш этадиган дастурда «Келин узатиш», «Лазги», «Бухоро гўзали», «Висол» каби жозибали рақслар ўрин олган.

***Б. МАНСУРОВ.***

*Қанийди, ҳар кунинг*
*ҳайитдай ўтса,*
*Эъзоздан юрагинг*
*гупиллаб урса,*
*Бахтинг қуёшидан нур*
*ичсанг қониб,*
*Келинлар саломга*
*эгилиб турса...*

***Умид АҲМЕДОВ сурат-лавҳаси.***

*Об-ҳаво*

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 20-24 январь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради. Айрим ҳудудларда ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Кечалари ва эрталаблари туман тушиши мумкин. Ҳарорат кечалари 1-6 даража, кундуз кунлари эса 6-11 даража илиқ бўлади. Шу даврнинг иккинчи бўлагида ҳарорат бироз пасайиши мумкин. Кечалари 0-5 даража совуқ, кундуз кунлари эса 0-5 даража илиқ атрофида бўлиши кутилади.

Мирзо Улуғбек туманидаги Тошкент концерт эстрада -мусиқа ансамблари бошқармаси

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Тел. 137-02-66

Янгийўл тумани ҳокимлиги жамоаси туман ҳокими Йўлдошбой Тожибоевга падарибузруквори **Аҳмаджон ТОЖИБОЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-06. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 10.550 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 205 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.00. 1 2 3 4 5 6